



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 ноябрь куні МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этган Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Арманистон Бош вазири Карен Карапетян ҳамда Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Ёюбов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов билан мулоқотда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали алоқалар жадал ривожланиётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги ойларида бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар ва уларнинг самаралари икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик босқичига кўтарди.

Қабул қилинган қарор ва эришилган келишувларнинг кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш масаласи, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинди.

Арманистон Бош вазири Карен Карапетян билан учрашувда ўзаро алоқаларнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиқни, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг самарали

фаолиятини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Ёюбов билан Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо, энергетика, транспорт ва транзит соҳалари, шунингдек, бошқа устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Қўлаётган олий даражадаги икки томонлама учрашувларнинг иқтисодий кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон, Арманистон ва Озарбайжон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилаklarини етказди.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янги аниқ мазмун билан бойитиш йўлидаги фаол ҳамкорликдан томонлар манфаатдор экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясининг 19-съезди муваффақиятли якунлангани ва Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Бош котиби лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табриклар йўлаган мактубингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Хитой — Ўзбекистон муносабатлари жадал фаоллашгани ва самимийлик, ишонч ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунман. Мамлакатларимиз олий даражадаги мустақам алоқалар тарафдоридир, сиёсий ишонч асосида «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда, қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу эса халқларимизга бирдек фойда келтирмоқда. Жорий йилнинг май ва июнь

ойларида Сиз билан Пекин ва Остона шаҳарларида икки марта учрашдик. Бунинг натижасида икки томонлама муносабатлар ва барча соҳалардаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш бўйича салмоқли келишувларга эришилди.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман. Бундан буён ҳам Сиз билан биргаликда ўзаро муносабатларимизни Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик руҳида ривожлантириш, янги тарихий даврда халқларимиз ва бутун инсоният фаровонлиги йўлида барқарор ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиётга эришиш учун янги имкониятларни ишга солишга тайёрман!

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси
Коммунистик партияси
Марказий Қўмитаси Бош котиби

ЎЗХДП: устувор вазифалар

АМАЛИЙ ИШЛАР, ҚАТЪИЙ ТАШАББУСЛАР

сиёсий партиянинг обрўси ва таъсир
кучини оширади



Санаар ШОТЎЛАГАНОВ оған суратлар.

2

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь куні ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳунармандлик азалдан яхши ривожланган. Болаликдан ҳунар ўрганиш, яратган маҳсулоти ва меҳнати билан одамларга наф келтириш халқимизнинг миллий қадриятига айланган. Ҳунар турлари асрлар давомида кенгайиб, янги йўналишлар ва мактаблар билан бойиб борган. Маълумотларга қўра, бугунги кунда юртимизда ҳунармандлиқнинг 34 тури мавжуд.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида яратилган имкониятлар самарасида ҳунармандлик равнақига кенг йўл очилди. Республика «Ҳунарманд» уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва ҳунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда ҳунармандлар марказлари фаолият юритмоқда, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган.

Ҳунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Улар «устоз-шогирд» аънаси асосида ёш авлодга ўргатилмоқда.

Ҳунармандлик харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Йиғилишда халқ ҳунармандлиги ва амалий санъатини ривожлантириш, улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, «Микрокредитбанк» раҳбарлари ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига худудларнинг ўзига хос хусусият ва аънааларидан келиб чиқиб, туманлар кесимидан аниқ режа ишлаб чиқиш, ҳар бир ҳунармандга етиб бориш вазифаси қўйилди.

Ҳунармандларни давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга бўш турган биноларни имтиёзли равишда бериш, асбоб-ускуна ва хомашё материаллари билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Ҳунармандлар марказлари фаолиятини кенгайтириш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни харидорларга етказишни осонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, қўли гул усталарнинг ўз маҳсулотларини бозор ва супермаркетларда сотиши учун кенг имконият яратиш зарурлиги, хоҳласа ўз хонадонидан дўкон очиши мумкинлиги таъкидланди. Доимий савдо жойига эга бўлмаган, вақтинчалик жойларда савдо қилаётган ҳунармандларга савдо қилиш қоидалари асосида талаб этилаётган касса аппарати ва савдо терминалидан фойдаланиш ҳамда тижорат банкларида савдодан тушган нақд пулни инкассация қилиш талаблари ихтиёрий этиб белгиланади.

Йиғилишда берилган топшириқларга мувофиқ, ҳар бир вилоятда махсус кўргазма ва ярмаркалар ташкил этилиб, уларда ҳунармандлар бепул иштирок этади. Шунингдек, уларнинг хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, фестиваль

ва ярмаркаларда қатнашишига қўмаклашилади.

Ҳунармандларнинг экспорт фаолияти ҳам рағбатлантирилади. Уларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, жумладан, банк ҳисобрақамларидан хорижий валютани нақд ҳолда олиш ҳуқуқи берилди.

Ҳунармандлиқни ривожлантириш учун «устоз-шогирд» аънаси асосида бу жараёнга ёшларни жалб этиш, ҳунармандларни шогирд олиш ва ҳунарга ўргатишга рағбатлантириш, ёш ҳунармандларга фаолиятини бошлашда ҳар томонлама қўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, ҳунармандликка кредитлар ажратишни қўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда соҳада хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, ҳунармандларни молиявий-ташқилий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тегишли ташкилотлар мутаассаддилари зиммасидаги вазифалар белгиланган берилди.

ЎЗА

МДХ ҲУКУМАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 3 ноябрь куні Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ҳукуматлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Арманистон Бош вазири Карен Карапетян, Беларусь Бош вазири Андрей Кобяков, Қозғистон Бош вазири Бақитжан Сагинтаев, Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Россия Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов, Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Ёюбов, Туркменистон Вазирлар Маҳамаси раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев, Молдованинг МДХ

устави доирасидаги ва бошқа органлари ҳузуридаги мухтор вакили Виктор Сороган иштирок этди. Мажлисида МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди. Ҳукумат раҳбарлари Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши Ҳамдўстлик мамлакатлари ижро ҳокимиятларининг иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи органидир.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг топшириқларини амалга оширади, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш ва уларни молиялаштириш бўйича қўшма дастурлар қабул қилади. Бундан ташқари, транспорт, алоқа ва энергетика тизимларини ривожлантириш, тариф, кредит-молия ва солиқ сиёсатида оид масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш, илмий-технологик маконни яратишга қаратилган механизмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кенг қамровли долзарб масалалар бўйича очик ва

ишончли фикр алмашиш платформаси сифатида қарайди. Мамлакатимиз ташкилотда қатор йўналишлар, жумладан, савдо, инвестициялар, транспорт, туризм, фан, таълим, хавфсизлик каби соҳалар бўйича ўз иштирокини янги сифат босқичига кўтаришни режалаштирган.

Тошкентда биринчи марта ўтказилган МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга доир 20 га яқин масала кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.

САДОҚАТ ВА ВАҒФО КУЙЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Жиззах шаҳрида халқимизнинг ардоқли фарзандлари, улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи-шоирлар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия авлодлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

► Давоми 4-бетда.



МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда Ҳукумат раҳбарлари халқаро картелларга қарши самарали курашишда дунё ҳамжамияти кучларини бирлаштиришга оид баёнотни муҳокама қилди. Баёнотда МДҲ давлатларида халқаро картелларга қарши курашишда вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Иштирокчилар Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодийнинг барқарор ўсишида ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ҳукумат раҳбарлари 2011 йил 18 октябрда қабул қилинган Эркин савдо зонасига оид шартнома низомлари ижросига доир маълумотни кўриб чиқиш, шартномада савдо мунозараларини ҳал этиш бўйича кўзда тутилган механизмлар томонларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишига доир келишмовчиликларни тартибга соладиган ўзаро манфаатли самарали восита ҳисобланишини таъкидлади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг нефть ва газ машинасозлиги, мелiorация ва товарларнинг божхона нархлари масалалари каби соҳалар бўйича ҳамкорлик, жумладан, уларнинг ижросига доир дастлабки тадбирлар режаси қўллаб-қувватланди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Муҳокамаларда Ҳамдўстлик органларининг 2017 йилги ягона бюджетига ўзгартиришлар киритиш, МДҲ органларининг 2018 йилги ягона бюджетини тасдиқлаш ҳамда бош прокурорлар мувофиқлаштирувчи қотибяти фаолияти ва МДҲ иштирокчилари Давлатлараро инсонпарварлик ҳамкорлик фонди органлари фаолиятини таъминлашда аъзо давлатлар ҳисса бадалига ўзгартиришлар киритишга доир масалалар устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва назорат қилиш учун зарур бўлган маълумот алмашиш бўйича келишув лойиҳаси Ҳамдўстлик маконидида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун аҳамиятли саналди. Ушбу ҳужжат аъзо давлатларнинг божхона чегаралари орқали ўтадиган товарларнинг декларация қилинган божхона қиймати ишончлилигини таъминлашда ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Божхона тўловларини тўлашдан бош тортиш ҳаракатларига қарши курашишга қаратилган ҳужжат МДҲ давлатлари чегараларидан ўтадиган товарларнинг божхона қийматини самарали назорат қилиш имконини беради. Ҳукумат раҳбарлари мазкур ҳужжатни маълумлади.

Иқтисодий бўлимдан МДҲ ҳудудидида эркин савдо режимига бево-

сита боғлиқ бўлган яна бир ҳужжат ўрин олган бўлиб, бу 2009 йил 20 ноябрда қабул қилинган товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидаларига оид келишувга ўзгартириш киритишга доир баён-номадир.

Мажлисда МДҲ доирасида терроризм, экстремизм, шунингдек, уларни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича аъзо давлатлар ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида МДҲ ҳудудидида замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, минтақани барқарор иқтисодий ривожлантириш таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Аъзо давлатлар ўртасида идоралараро маълумотлар алмашиш, унинг ҳуқуқий асослари, ахборот алмашинувида халқаро ва миллий қонунчилик тизимига пуртармақлик ҳолатлари ўрганилмоқда. Шунингдек, мазкур ташаббус доирасида ваколатли идора ва ташкилотларнинг ўзаро маслаҳатлашувини йўлга қўйиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Мажлисда МДҲ маконидида терроризм ва экстремизм ҳаракатларини молиялаштириш ва қўллаб-қувват-

лашга уринишлар аъзо давлатларнинг ихтисослаштирилган маълумотлар базаси орқали аниқланиши қайд этилди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган музокаралар сўнггида 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, МДҲга аъзо давлатларда тиббий-ижтимоий ёрдамни янада ривожлантириш, уруш фахрийлари ва уларнинг оила аъзолари турмуш даражасини юксалтириш ҳамда бошқа қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат раҳбарлари МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савияда ташкил қилинганини яқдил эътироф этиб, самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикасига миннатдорлик билдирди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2018 йил июнь ойида Тожикистон Республикасида ўтказишга келишиб олинди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

САВОЛ ВА ЖАВОБ



— Моддий ёрдам ва нафақа қай тартибда тайинланади?

Ўқтам РЎЗИЕВ,
(Қашқадарё вилояти, Касби тумани)

Улугбек АМИНОВ,

халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Моддий ёрдам ва нафақа тайинлаш тартиби норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, уларга асосан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармалари ташкил этилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Унда болати оилаларга ҳамда бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосининг даромад миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланиши қайд этилган.

Шунингдек, тарбияси билан қариндошлар шугулланмаётган ота-онаси бўлмаган болалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар, 14 ёшга бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Ногирон фарзанди бўлган,

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка қўмаклашиш марказида ҳисобда турган оилалар, ёлғиз оналар, ёлғиз пенсионерларга ҳам шундай ҳуқуқ белгиланган.

Нафақа ёки моддий ёрдам олишга эҳтиёжманд, деб топилган оила уларнинг фақат бир турини олиши мумкин.

Нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки оила аъзосининг ёзма аризаси бўйича берилади. Фарзанд парвариши бўйича нафақа эса боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланади.

Ариза берилгандан бошлаб уч кун ичида оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқланади. Ўн кун муддатда моддий ва мулкый ҳолатга қараб, нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёхуд рад этиш тўғрисида ҳулоса қилинади.

— Боғча ёшидаги фарзандим бор. Шунинг учун мактабга таълим муассасалари билан боғлиқ ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришга ҳаракат қиламан. Эшитишимча, мазкур тизимда ислохотларни янада яхшилаш билан боғлиқ чора-тадбирлар олиб борилаётган экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берамиз.

Моҳинисо ФАРМОНОВА,
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани)

Зоя АН,

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Ҳар бир соҳада бўлган каби мактабга таълим тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Мактабга таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда мактабга таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ҳамда ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида синов тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабга таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича белгиланди. Ушбу ташаббус замонавий ва ҳаммабон мактабга таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ҳамда бўш турган биноларни 50 йил муддатга берадиган ажратишни кўзда тутди.

Инвесторлар ташкил этилаётган мактабга таълим

муассасаларида давлат таълим талабларига, санитария-гигиена ва бошқа меъёрларга риоя қилиш, келишувнинг бутун муддат давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш талаб этилади. Шунингдек, мактабга таълим қиймати кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун масъул бўлиши назарда тутилган. Бунинг учун инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Тошкент шаҳридаги давлат мактабга таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга синов тариқасида рухсат берилди. Мазкур тажриба яқунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизмларини ва мактабга таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи кўриб чиқилади.

Зилола АНВАРОВА ёзиб олди.

ЎзХДП: устувор вазифалар

АМАЛИЙ ИШЛАР, ҚАТЪИЙ ТАШАББУСЛАР

сиёсий партиянинг обрўси ва таъсир кучини оширади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгаши раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида илгари сурилган йўналишлар ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича партия тизимида олиб борилган амалий ишлар таҳлил қилинди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмонов шу ҳақда маъруза қилди:

— Бугунги кунда сиёсий партиялардан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида фаол иштирок этиш талаб этилмоқда, — деди партия етакчиси. — Президентимизнинг парламент аъзолари, сиёсий партиялар етакчилари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Партиямиз тизимида ушбу Дастур ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқилганидан хабарингиз бор. Тўғриси айтиш керак, қисқа вақт ичида партиямиз Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ва минтақавий партия ташкилотлари фаолиятида муайян ижобий натижалар кўзга ташланмоқда.

Олдимизда турган долзарб вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш мақсадида партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларида муҳокамалар ташкил этилди.



Шунингдек, партия позициясини баён этиш мақсадида Президентимизнинг дастурий мақсадларимизга беvosита тааллуқли бўлган 52 та қарори ва 20 та фармони тегишли тартибда фракция ва партия йиғилишларида ўрганилиб, муҳокама қилинди. Ушбу йўналишда қатор вазифалар белгилаб олинди.

12 июлдан ҳозирга қадар 19 марта ўтказилган партия фракциясининг йиғилишларида 160 масала муҳокама қилинди. Шундан 67 таси қонун лойиҳалари, 13 таси Президентимизнинг қарор ва фармонларидир. Ҳар бир масала юзасидан фракциянинг принципиал позицияси шакллантирилди.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2017 йилнинг 10 октябр кунини Адлия вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. 44 та қонун ҳужжатлари жойларга етказилиб, фракция ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ижроси назоратга олинди. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ижро этувчи органлар масъулиятини кучайтириш бўйича 48 та

қонун лойиҳаси ўрганилиб, 250 га яқин тақлиф шакллантирилди.

Фракция ва партия гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатish мақсадида «Ногиронлар» жамияти, «Нуронийлар» жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ҳамкорликда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Сиёсий партиялар олди-га қўйилган долзарб вазифаларнинг ижроси жойлардаги партия гуруҳлари фаолияти билан беvosита боғлиқдир. Шунинг учун партия гуруҳларининг иш режалари қайта кўриб чиқилди ва назорат қилинадиган маҳаллий давлат бошқаруви органлари доирасида аниқланиб олинди. Мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини партия гуруҳлари ташаббуси асосида маҳаллий Кенгашларда эшитиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган иш режалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Партия гуруҳларимиз томонидан давлат ҳокимияти

ва бошқаруви органлари раҳбарларининг 72 марта ахборот ва ҳисоботлари эшитилди. Партия электорати манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ 95 та масала сессияларга киритилган бўлса, доимий комиссияларда 109 та, партия гуруҳларида эса 129 та масала муҳокама қилинди. Аммо бу борадаги вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашаётган партия гуруҳларимиз ҳали ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз.

Партия етакчиси демократик ислохотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юкланаётганини таъкидлаб, барча даражадаги партия ташкилотлари етакчилари ҳамда депутатларни қатъийлик ва ташаббускорлик кўрсатишга чакирди.

— Таъкидлаш жоизки, бугунги талаблар кўлами ва мазмун-моҳияти жиҳатидан беқийс аҳамиятга эгаки, биз ҳозирча фақат баъзи йўналишларни амалга оширдик, холос. Олдимизда бу борада ниятда катта вазифалар турибди, — деди Ҳ.Кетмонов. — Биз аввало, фракция йиғилишларида муҳокама этилаётган масалаларни маҳаллий Кенгашлар миқёсида кўриб чиқиш тизимини тўлиқ йўлга қўйишимиз керак.

Маълумки, партиямиз ташаббуси билан жойларда сайёр қабуллар ташкил этиляпти. Уларда кўтарилаётган муносабатлар, аниқланган муаммоларни парламент ва депутатлик назорати тартибидида изчил ўрганиш, ечимини топишга жиддий эътибор қаратиш керак. Шунингдек, партиямиз фаоллари ва депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишини янада фаоллаштириш талаб этилади.

Бундан ташқари, партиянинг уюшмаган ёшларга ёрдам бериш билан боғлиқ ишлари ҳам танқидий таҳлил қилинди. Ёшлар билан учрашувларда қуруқ маърузалар ўрнига, ўзаро фикр алмашув, баҳс-мунозараларни кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидидаги масала тақлиф ва мулоҳазалар асосида атрофича кўриб чиқилди. Йиғилишда Андижон вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдулхамид Нурматов, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Халилла Ешимбетов, Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Меҳрож Дархонов сўзга чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларга тўхталиб ўтди. Тақлифлар асосида Ижроия қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу кунини ЎзХДП ташкил топганининг 26 йиллиги муносабати билан партия Марказий Кенгашининг «Эхтиром китоби»га киритилган бир гуруҳ фахрийлар ва фаолларни табриклаш тадбири ҳам ўтказилди. Тадбирда, шунингдек, партия тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган ходимларга ҳам фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП фракцияси томонидан ижро этувчи органлар масъулиятини кучайтириш бўйича 48 та қонун лойиҳаси ўрганилиб, 250 га яқин тақлиф шакллантирилди.

ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН ЁШЛАР

демократик жараёнларда фаол иштирок этади

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичлари ғолиблари — 14 нафар иштирокчи ўзаро белашиди. Ёш сиёсатчилар учта шарт асосида ўз билимларини синовдан ўтказишди. Бу танлов уларнинг орзулари сари ташланган муҳим қадам бўлди. Фаол ёшлар мухбиримиз билан суҳбатда ўз таассуротлари, хулосалари ва эзу мақсадлари ҳақида гапириб берди.



Шавкат БОБОЖОНОВ,
«Ёш сиёсатчи — 2017» танлови
ғолиби (Бухоро вилояти):

— 2014 йилдан буён Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиман. Бухоро давлат университети тарих факультетининг бакалавр ҳамда магистр босқичини имтиёзли диплом билан тамомлаганман. Нақшбандия тариқати музейи раҳбари сифатида фаолият олиб борганман. Жорий йилнинг май ойида вилоятимиз тарихига бағишланган «Шарифи шаҳар ёдгорликлари» номли китобим давлат гранди асосида чоп этилди. Ҳозирги кунда китобни рус ва инглиз тилларига таржима қилиш ишлари кетмоқда. Унда тарихий обидаларнинг аввалги ва бугунги ҳолати қиёсий ўрганилган.

Партияга аъзо бўлиш ва танловда иштирок этиш ҳаётимда янги саҳифа очди. Мазкур танловда ёш реставраторлар лойиҳаси билан қатнашдим. Бухоро шаҳридаги Арк кўрганидан Минораи калонгача бўлган 10 гектарлик ҳудудда кечки Шахристон бозори қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, 14 жойда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. У

ерда асосан бошқа ҳудудлардан усталар келиб ишламоқда.

Вилоятимизда 660 маданий мерос объектлари бор, лекин уларни таъмирлаш ишларида бухоролик ёшлар қатнашмаяпти. Бунинг сабабини ўрганиб, усталарни ўзимизда тарбиялаш мумкин, деган хулоса билан лойиҳага қўл урдим. Вилоят статистика бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллалар фаоллари билан суҳбатлашдим. Йигит-қизларнинг қизиқишларини ўрганишга ҳаракат қилдим.

Тарихдан маълумки, вилоятимизда уста Ширин устахонасида 300 нафар моҳир меъморлар ишлаган. Айни пайтда уларнинг 15 нафари ҳаёт. Уста меъморлар устоз-шогирд анъанаси асосида ёшларга ўз хунарини ўргатишга ваъда беришди. Ёш реставраторлар гуруҳи ишга тушса, қосинсозлик, ганж ва ёғоч ўймакорлиги, умуман, меъморчилик технологияси бўйича 10 йўналишда қурувчилар тайёрланади. Натижада кўплаб иш ўринлари очилади.



Бекзод МУСТАФОЕВ,
танлов иштирокчиси
(Тошкент шаҳри):

— Асли самарқандликман. Болалигимда мактабда аъло баҳога ўқиганман. Айниқса, тасвирий санъат, ижтимоий фанларга жуда ҳам қизиқардим. 12 ёшимда бахтсиз ҳодиса сабаб бир кўзимдан ажралдим. Шифокорлар менга расм чизиш, ўқиш-ёзишни таққиллаб қўйди. Шунга қарамастан, мактабда ўқишни давом эттирдим. Чунки мен учун ўқимаслик, билим олмаслик кўрмай қолишдан ҳам даҳшатлироқ эди.

Йиллар ўз таъсирини кўрсатди ва 2007 йили иккинчи кўзим ҳам

қўриш қобилиятини йўқотди. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетида тарих йўналиши бўйича 2-босқич магистриман. Болалигимдан расом, ҳайкалтарош бўлишни орзу қилардим. Афсуски, мана шу нарсга менга армон бўлиб қолди. Лекин ҳозирги кунда ҳам расм чизишни тўхтатганим йўқ. Тасаввуримдаги тасвирларни катта оқ қоғозга туширишга ҳаракат қиламан. Келажакда ўз кўргазмамни ташкил этиш истагим бор.

Танлов шартларига келсак, «Лойиҳа тақдироти» ва «Савол-жавоб» шарти Пойтахт бизнес марказида бўлиб ўтди. Унда қатнашчилар туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни тақдим этди. Лойиҳаларнинг молиявий асослари, уларни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Иккинчи — «Билимдон сиёсатчи» шартида ёшлар сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги саволларга жавоб беришди. Мамлакатимиз қонунчилиги, Конституция, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган саволларга қўпчилик эркин, раво ва тўлиқ жавоб берган бўлса, баъзилар бироз ҳаяжонланди. Ҳар бир чиқиш танлов низоми асосида 10 баллик тизимда баҳолаб борилди.

Сўнгги шарт ва тақдирлаш маросими Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида давом этиши керак, орада эса бир неча соат вақт бор эди. Имкониятдан фойдаланиб, иштирокчилар билан суҳбатлашдик. Улар ўз орзу-истаклари, танловга тайёргарлик жараёнлари-ю бугунги кун ёшлари ҳақидаги фикрларини билдиришди.



Нодира МУҲАММАДҚУЛОВА,
танлов иштирокчиси
(Сирдарё вилояти):

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига биринчи марта борганимда ўзимда кучли ҳаяжон сезганман. Парламент аъзолари ўтирадиган ўриндикда ўтириш, давлатимизнинг асосини ташкил этувчи қонунлар қабул қилинадиган жойларни кўриш ҳар бир ёшнинг орзуси бўлса керак, деб ўйлайман.

Танловдан олдин парламент

биносига саёҳат уюштирилди, депутатлар билан суҳбатлашдик.

Бу гал ҳам худди ўша ҳаяжонни туйдим. Партиямиз фракцияси аъзолари билан бўлиб ўтган суҳбатдан кўплаб маълумотлар олдим. Улар бизнинг саволларимизга жавоб беришди. Депутатлар билан ёшлар ўртасида шу каби мулоқотлар кўпайтирилса, яхши бўларди.



Мухлиса ОРИФЖОНОВА,
иккинчи ўрин соҳибаси
(Фарғона вилояти):

— Маълумки, Фарғона вилоятида нисбатан аҳоли зич жойлашган, ишчи кучи кўп. Шунинг учун ҳудудимизда янги иш ўринлари яратиш долзарб аҳамият

касб этади. Бунда қоғоз-бозилқдан йироқ, ечимми оддий бўлган ижтимоий лойиҳалар тайёрлаш яхши самара беради, деб ўйлайман. Танловдан кейин бу



Равшан АБДУЛЛАЕВ,
учинчи ўрин соҳибаси
(Қашқадарё вилояти):

— Қарши архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежининг учинчи босқич ўқувчисиман. Тўғриси, танловга тайёргарлик жараёнида баъзи қийинчиликларга дуч келдим.

Яссиоеқлик касаллигига қарши курашиш бўйича «Соғлом ҳаётга — соғлом қадамлар билан» лойиҳасини тайёрлаш жараёнида маълумотлар йиғиш осон бўлмади. Ногиронлар



Гулҳаё ИСМОИЛОВА,
танлов иштирокчиси
(Хоразм вилояти):

— Вилоятимиздаги Ёшлар марказида 20 дан ортиқ фан, хунар ва спорт тўғрақлари бор. Бу имконияти чекланган ёшлар учун ҳам кўплаб қулайликларни яратди. Инклюзив

таълими ривожлантириш борасида ҳам қатор чоралар қилинмоқда. Партиямиз қўшида «Сиз меҳр ва эътибордан четда эмасиз» номли тўғрақ иш бош-



Санжар ШОТЎЛАЕВ билан суҳбат.



Акмал ТУРСУНАЛИЕВ,
танлов иштирокчиси
(Тошкент вилояти):

— Менга танловнинг «Нотиклиқ санъати» шарт кўпроқ ёқди. Чунки бу шартда иштирокчилар ўзларининг саҳна маданияти, аудиториянинг эътиборини тортиш маҳор

ратини намойиш этади. Фикримча, инсон қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, ўзига ишониши ва одамларни ҳам ишонтира олиши керак. Қонунларни ўқиш-



Ахрор НУРИДДИНОВ,
танлов иштирокчиси
(Андижон вилояти):

— Тошкент шаҳрига ҳар гал келганимда янги бир ўзгаришнинг гувоҳи бўламан. Тенгдошларим билан кўплаб диққатга сазовор жойларда бўлдим. Қонун-

чилик палатасига аввал ҳеч қирмаган эдим. Айниқса, умумий мажлислар залидаги қандил эътиборимни тортди. Унинг оғирлиги 36 тоннани ташкил қилиб,

борада ўз лойиҳамни амалга ошираман.

Оилада 4 нафар фарзанднинг каттасиман. Фарғона давлат университетида ўқийман. Инглиз тилини ўрганиш, сузиш ва шеър ёзишга қизиқаман. Жониворларни яхши кўраман.

Танловда қатнашиб, янги танишлар, дўстлар орттирганимдан жуда хурсандман. Бу ерда олган таассуротларим бир умр қалбимда сақланиб қолишига ишонаман.

ни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига, вилоят кўп тармоқли шифохонасига бир неча марта лаб муружаат қилишимга тўғри келди. Шифокор-ортopedлар ўз тақлиф ва тавсияларини аямади.

Вилоят партия ташкилоти сиёсий адабиётларни топишда, нутқимни ривожлантиришда яқиндан кўмак берди. Бундан кейин ҳам ўз билим ва кўникмаларимни мустақамлаб боришга ҳаракат қиламан.

лаш арафасида турибди. Унда имконияти чекланган йигит-қизларга чет тилларини ўргатиш, ёшларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, тикувчилик ва этикдўзлик тўғрақлари ҳам йўлга қўйилди.

Келажакда орзуларим кўп. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига борганимдан сўнг депутат бўлиш истаги кучайди.

— «Ёш сиёсатчи» танлови юқори савияда ўтказилди. Бу иштирокчиларни қўтиб олишдан тортиб, тақдирлашга бўлган жараёнда намоён бўлди. Қатнашчилар ҳам пухта тайёргарлик кўргани сезилиб турди.

Хусусан, лойиҳа тақдироти шартида йигит-қизлар амалий натижага алоҳида эътибор қаратгани аҳамиятга моликдир. Худудларни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қандай технологиялардан фойдаланиш зарур, гоёни қай тарзда амалга ошириш мумкин, муқим иш ўринлари яратишнинг кафолатлари ҳақидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишди. Танлов ёшларни реал ҳаётга қараб режа тузишга ўргатади, деб ўйлайман.

— Бу йил «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 20 мингга яқинлашди. Уларнинг орасидан энг муносиблари дастлаб бошланғич таълимчилар, кейин эса туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида сараланди.

«Мен Ватаним равақига ҳисса қўйишни хоҳлайман!» шиори

Ўзбекистон бир бутун, деган маънони англатар экан. Олий Мажлис биносида миллий меъморчиликнинг замонавийлик билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, у жуда мушаммас кўринади.

Танловга келадиган бўлсак, барча иштирокчилар пухта тайёргарлик кўргани билиниб турди. Уларнинг ҳар бири кучли рақобатчи. Ҳамма ёшларга ҳаётда омад тилайман.



Муроджон АЛИЕВ,
танлов иштирокчиси
(Жиззах вилояти):

— Оилада тўнғич фарзандман. Бу, албатта, ўзига хос масъулият талаб этади. Укаларимга ҳар томонлама ўрнат бўла олишим зарур. Катта укам Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқийди. Кичиги эса коллеж ўқувчиси. Дадам — инженер, ойм — ўқитувчи. Танловда иштирок этишимни кўллаб-қувватлашгани учун раҳмат айтаман.

Сиёсий жараёнларга, иқтисодий ўзгаришларга қизиқаман. Мазкур соҳаларга тегишли янгиликларни доимий ўрганиб боришга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга, фортепьяно ва гитара чалиб тураман. Ўйлайманки сиёсий йўналишни танламаганимда, яхшигина мусиқа устаси бўлардим.



Наурызбай НУРУМБЕТОВ,
танлов иштирокчиси
(Қорақалпоғистон Республикаси):

— Тўғриси айтсам, «Ёш сиёсатчи» танловида бўлган қизиқим сабабли партия сафига кирган эдим. Авваллари томошабин сифатида қатнашган бўлсам, бу йил танловнинг республика босқичида иштирок этиш насиб этди. Бир дунё таассуротларга эга бўлдим. Иштирокчилар орасида ўқитувчилар, университет талабалари ҳамда коллеж ўқувчилари бор. Рақобатдан биров

хавотирга тушдим. Аммо ўқиб-ўрганганларим менга куч берди.


Минбардан туриб эркин сўзлаш, аудиториянинг эътиборини тортишни ўрганиш болалик орзуларимдан бири. Танлов ана шу мақсадим йўлида қўйган муқим қадам бўлди. Бундан кейин ҳам партиямиз гоёларини амалга оширишга ўз ҳиссамни қўшаман, керакли инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.



Аҳмадали ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши сектор мудири:

— «Ёш сиёсатчи» танлови юқори савияда ўтказилди. Бу иштирокчиларни қўтиб олишдан тортиб, тақдирлашга бўлган жараёнда намоён бўлди. Қатнашчилар ҳам пухта тайёргарлик кўргани сезилиб турди.

Хусусан, лойиҳа тақдироти шартида йигит-қизлар амалий натижага алоҳида эътибор қаратгани аҳамиятга моликдир. Худудларни



Умурбек БЕКТЕМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши сектор мудири:

— Бу йил «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 20 мингга яқинлашди. Уларнинг орасидан энг муносиблари дастлаб бошланғич таълимчилар, кейин эса туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида сараланди.

«Мен Ватаним равақига ҳисса қўйишни хоҳлайман!» шиори

Икки кун давом этган «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танлови якунига етди. Ҳакамлар ҳайъати ғолибларнинг номини эълон қилди. Биринчи ўринни Шавкат Бобожинов эгаллади, иккинчи ўрин Мухлиса Орифжонова, учинчи ўрин Равшан Абдуллаевга насиб этди. Шунингдек, иштирокчилар турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов тақдирлаш маросимида республика босқичида қатнашши шарафига муяссар бўлган йигит-қизларни табриклади. Бугун ёшлар мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланаётганини таъкидлади. ЎзХДП мазкур жараёнда фаол иштирок этишга эътибор қаратаётгани, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга интилаётгани қайд этилди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу йил «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 20 мингга яқинлашди.

САДОҚАТ ВА ВАФО КУЙЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмлари раиси С.Ҳакимов, адабиётшунос И.Ғофуров ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хийбони, икки ардоқли шоир номи билан аталган ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат, музей миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, халқимизнинг суюкли фарзандлари хотирасига кўрсатилган алоҳида эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг сайловолди дастурида ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, Ҳамид Олимжон ва Зулфия адабий меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгига ватанварлик туйғусини юксалтириш, бадий адабиётга қизиқишни ошириш, китобхонлик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш гоёси илгари сурилган эди. Бу бордада ўтган вақт мобайнида кенг қўлдан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз жорий йил 27 апрель куни Жиззах вилоятига ташири чонга адабиётимизнинг

улкан намояндлари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, шеърларига жо бўлган эзгу тушунчалар моҳиятини ёш авлодга етказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Адабиётимизга қаратилган эътиборнинг ёрдамида халқимизнинг ардоқли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижоди, адабий меросига, улар шахсига бўлган юксак эътибордан барчамиз миннатдоримиз, — деди «Ёшлик» журналы бош муҳаррири Нодир Жонузоқ. — Бу хайрли ишлар адабиётимизнинг қадри юксак эканидан, ижодкорлар меҳнати завол топмаслигидан далолат. Ўз

навбатиди, биз, ижодкорлар бундан янада илҳомланамиз, бор истеъдодимизни Ватанимиз раънақи, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги амалий ишларга бағишлаймиз.

Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг аҳил ҳаёти, бу икки улкан ижодкорнинг бир-бирига бўлган севги ва садоқати бугунги кунда ҳам ёшларимиз учун ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур маъмуний барпо этилиши бутун халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

— Бугун ўзбек адабиётининг катта байрами. Ардоқли шоирларимизнинг руҳлари

ҳамиша уйғоқ бўлган бизнинг хонадонимизда ҳам шодиёна, — дейди Ҳамид Олимжоннинг невараси Лола Муҳиддинова. — Ўз шоирларини қадрлаган халқ — улуғдир, дер эди Зулфия аямиз. Бугун барчамиз бу икки ижодкорга халқ муҳаббати, эътирофи ва эҳтиромининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу кутлуғ ишга бош-қош бўлган Президентимизга оиламизнинг ёши улуғлари, навқирон авлодлари номидан миннатдорлик билдирамиз. Ишонамизки, бу ёдгорлик мажмуаси ҳамиша адабиёт ихлосмандлари билан гавжум бўлади.

Турли қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон азобларига қарамаздан, оғир

синовлардан ёруғ юз билан ўтган, чинакам вафо ва садоқат намунасини кўрсатиб, халқимизга хос инсонийлик, сабр-бардош ва меҳр-оқибат фазилатларига доимо амал қилиб, бу туйғуларни юксак пардаларда тараннум этиб яшаган улуғ ижодкорларнинг бу гўзал ёдгорлиги ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси ва теран бадий мазмуни билан юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимиз учун севги ва вафо, эзгулик ва эл-юртга фидойилик тимсоли бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармони билан мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис

этилди. Бу мукофот Зулфияхонимнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли асосида юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино қуриб битказилди. Бинода кенг ва ёруғ синфхоналардан ташқари 100 ўринли ётоқхона ва ошхона, фаоллар зали ҳамда бошқа хоналар бор.

Истеъдодли ҳайкалча-рошлар Тўлаган Тожиқжаев ва Тўлаган Ёркулов томонидан яратилган ёдгорлик мажмуаси бу ерга ташириб буюрган юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшади.

Шу кунги ёдгорлик пойи турфа гулларга бурканди.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Э.Солиев иштирок этди.

Улуғбек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан «Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Федерация раиси ўринбосари Б.Махмадалиев ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди. Бунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган талаб ва вазифалар ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур дастурий ҳужжатдан келиб чиқиб, федерация тизимидаги санаторийларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш, сифатли ҳаётнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини мутасил ошириб бориш орқали хизматлар сифатини янада яхшилашга катта аҳамият қаратилмоқда.

Тизимда 17 та санаторий ва 2 та дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масканларда ҳар йили ўртача 125 мингдан ортиқ киши ҳордиқ чиқариб,

саломатлигини мустаҳкамлаётди. Уларнинг қарийб 50 фоизга яқини касаба уюшмалари томонидан берилган имтиёзли йўлнамалар ҳисобига тўғри келади. Дам олувчиларга 3 мингдан ортиқ ходим хизмат кўрсатмоқда.

— Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлнамалар ажратиш муддати 5 йилдан 2 йилга қисқартирилди. Бугунги кунда аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимларнинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун имтиёзли йўллама олиш имконияти яратилди, — дейди федерациянинг ахборот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи пенсионерлар ҳамда касаба уюшма аъзоларининг пенсиядаги ота-оналаридан 6,5 мингдан зиёд киши касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга имтиёзли йўлнамалар билан таъминланди. Жорий йилнинг 9 ойида 2 минг 70 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийси давлат бюджети мабалағлари ҳисобидан соғломлаштирилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Миллий матбуот марказида

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

СИФАТСИЗ ҚУРИЛГАН УЙЛАР УЧУН

17 пудрат ташкилотининг фаолияти тўхтатилиб, иши судга оширилган

Тадбирда таъкидланишича, 2009-2016 йиллар давомида республика-мизнинг 159 туманидаги 1308 қишлоқ массивида 69 минг 557 та намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшилانган. Тижорат банклари томонидан фуқароларга 5,9 триллион сўм, шундан «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 4,3 триллион сўм миқдорида узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилган.

— Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори ушбу йўналишда янги босқични бошлаб берди, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов. — Мазкур қарорда жорий йилда 15 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, аҳоли талабига асосан қўшимча равишда яна 4 минг 610 та уй-жой қуриш режалаштирилмоқда.

Илгари уй олиш учун дастлабки бадал 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастурда унинг миқдори 15 фоиз қилиб белгиланган. Кредит учун йўналтирилган маблағ солиқдан озод қилинган. Талабдорларни танлаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан очиқлик ва ишонччилик орқали амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш дастурини Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек, Ислам тараққиёт банкининг 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобидан Бухоро ва Наманган вилоятида қурилаётган 2242 та уй-жой ҳамда автомобил йўллари, ичимлик суви тармоқлари қурилиши молиялаштирилмоқда.

— Бугунги кунда аҳоли томонидан намунавий лойиҳалар асосида айрим яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиш ташкилотлари айби билан сифатсиз қурилаётгани борасида эътирозлар бўлмоқда. Ушбу камчиликларга йўл қўйган пудрат ташкилотларга нисбатан қандай чоралар қўрилмоқда?

Саволга «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бош директори ўринбосари Файзулло Исмолов жавоб берди.

— Аҳолидан тушган норозиликлар ўрганилиб, камчиликларга йўл қўйган қурилиш ташкилотлари жавобгарликка тортилди. Хусусан, 2016 йилда 17 пудрат ташкилотининг фаолияти тўхтатилиб, иши судга оширилди.

Яна қўшимча қилиб айтишим мумкин, ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида уй-жойларни қуриш билан шуғулланаётган корхоналарнинг 5 фоиз маблағи бир йилдан кейин уларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Маблағнинг ушлаб турилишига сабаб, агар шу даврда янги уй-жойда яшаётган аҳолидан сифат борасида мунозааралар тушса, маблағ таъмирлаш ишларига сарфланади.

Тадбир низоҳатида банк ҳамда компания томонидан амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар борасида маълумотлар берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон

2-Тошкент юридик коллежи Ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшуноси ва Ҳуқуқшунос йўналишлари бўйича умумий ўрта маълумот (11-синф) ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотга эга шахсларнинг ҳужжатларини тўлов-шартнома асосида 2017 йилнинг 15 ноябрига қўйишга қабул қилмоқда. Республиканинг бошқа вилоятларидан келиб ўқиш истagini билдирган шахсларга шартнома асосида ётоқхонадан жой берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширади: Шаҳодатнома, 0.86-У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат, турар-жойидан маълумотнома, паспорт нусхаси.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий 47. Мурожаат учун телефонлар: 278-82-65, 273-85-94.

МУАССИС:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138
8806
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI